

ЛИНГВОМАДАНИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЖИХАТДАН ЎРГАНИЛИШИ ВА ТАҲЛИЛИЙ ТАВСИФИ

Турабоева Ситора Зокир қизи

Фан ва технологиялар университети, в.б.доценти

Sitoraturaboyeva64@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14977884>

Жаҳон тилшунослигида лингвокультурологик бирликларнинг концептуал ўрганилиши маданиятлараро мулоқот, хорижий тилларни ўрганиш ва ўқитиш, маданиятлараро алоқа-алмашинувни муваффақиятли ташкил этиш, таржима жараёнида юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликлар ва нотўғри талқинларнинг олдини олиш ва бошқа жараёнларда муҳим ҳособланади. Бунда, аввало, лингвокультурологик бирликнинг лингвистик хусусиятларини аниқлаштириш, тавсифлаш, уларни таснифлаш, лексикографик ва лексикологик систем-структур ўрнини белгилаш талаб этилади. Тил ва маданият кесишган нуқтада юзага келган муайян культурологик характер-хусусиятга эга бўлган концептларни тадқиқ этишда концептга хос хусусиятларни аниқлаш, концептнинг таркибий элементларини, бошқа концептлар билан парадигматик муносабатларини, концепт таркибидаги тушунча ва лексемаларнинг лингвистик белгиларини ўзаро алоқадорлик хусусиятига кўра ўрганиш, муайян концептнинг вербализатсияланган ва вербализатсияланмаган элементларини аниқлаш ва таҳлилий тавсифлаш талаб этилади. Лингвокультурологик бирликни концептуал таҳлил қилишда қиёслаш, таққослаш, компонент таҳлил, структурал таҳлил каби бир қатор метод ва усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.

Лингвомаънавий бирликлар сирасига кирувчи ва маънавий концепти замирида бирлашувчи концептосфера таркибий элементларининг қиёсий лингвистик хусусиятларини аниқлашда соф лингвистик тадқиқ усулларида ташқари, культурологик ва социологик методлар – концепт таҳлили, фреймал, нарратив анализ, тасниф ва тавсиф, лингвистик реконструкция усуллари, маънонинг макрокомпонент ва микрокомпонент модели, психосоциокультурологик экспериментлар, матнларнинг лингвомаънавий таҳлили – герменевтик метод кабилар қўйилган муаммоларнинг самарали ечими учун муҳим воситалардан фойдаланиш тадқиқот мақсадига етиш учун муҳим қадам ҳисобланади.

Шунингдек, ахлоқий қадриятлар жуда катта макросистемани ташкил этади ва лингвокультурологиянинг бир тармоғи ҳисобланувчи маънавийтушунслик таркибидаги макросистемаларнинг энг катта бўғинларидан бири ҳисобланади ва ўз таркибига инсонлараро, жамиятлараро, маданиятлараро муносабатларни олиб боришда муҳим ҳисобланган сўз, тушунча ва концептсияларни қамрайди. Инглиз ва ўзбек тилларидаги ахлоқий қадриятларни таҳлил этиш баробарида шу нарса англашиладики, бу тоифага мансуб лисоний бирликлар ҳар бир халқ ва тилнинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятлари, ижтимоий нормалари, турмуш тарзи натижасида шаклланади. Шу маънода инглиз ва ўзбек тилидаги ахлоқий қадриятлар сифатида талқин этилувчи концептсиялар ҳам ҳар бир тилда ўзига хос структур-семантик концептосферани намоён этади ва жамият ёки тил эгалари томонидан тушунилишида фарқларга эга саналади ҳамда бу тафовутлар қиёсланганда яққолроқ кўринади.